



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 26 октябрь, № 231 (8293)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ РИВОЖИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
раислигида 25 октябрь кuni
Қашқадарё вилоятини ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш чора-
тадбирлари бўйича видеоселектор
йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, шу йил апрелда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтган, унда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш, бу орқали бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта режалар белгиланган эди.

Хусусан, жорий йилда 10 мингта тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, уларнинг сонини 80 мингтага етказиш, 9 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, 810 та саноат лойиҳасини амалга ошириш, 430 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Қишлоқ ҳўжалигида 12 минг 500 гектар ерни аҳолига тақсимлаб, 3 миллион 200 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари еттиштириш, 11 минг гектар интенсив боғ ва тоқор ташкил этиб, мева-сабзавот экспортини 60 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилган. Ижтимоий соҳада 174 та мактаб, боғча ва поликлиника қуриш ва таъмирлаш, 1,5 минг километр ичимлик суви тармоғи тортиш ҳамда 1,8 минг километр ички йўллари таъмирлаш режалаштирилган.

Йиғилишда Қашқадарё вилоти ҳокими М. Азимов шу борада қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Ундан келиб чиқиб, йил якунигача ва келгуси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама қилинди.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш масаласига эътибор қаратилиб, бу орқали келгуси йил вилоятда 207 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун имкониятлар кўп. Жумладан, соатига 1,5 мингта автомобиль қатновига эга Шаҳрисабз — Китоб йўли бўйида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун 3 мингта тадбиркорни жалб этса бўлади. Шаҳрисабзнинг Мирраки ва Китобнинг Қайнар қишлоқларида туризмни ривожлантириш орқали 10 мингта иш ўрни яратиш имкони бор. Шунингдек, бўш турган бино ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш зарур.

Вилоятда катта салоҳиятга эга яна бир соҳа — саноат. Бу йўналишда 960 та лойиҳани амалга ошириб, 20 минг нафар аҳолини банд қилиш мумкинлиги таъкидланди.


Хусусан, 22 та норуда конни ўзлаштириб, талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкони бор. Кимё, нефтьгаз, энергетика тизимидagi йирик корхоналар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиб, 65 та маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш лозим. Кластерлар томонидан тақдиф этилган 12 та лойиҳа пахтани чуқур қайта ишлаш даражасини оширади.

ЎЗА.

ОИЛА — САОДАТ МАСКАНИ, ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Оила — ҳаёт абадийлиги, авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган, миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган муқаддас маскан. У — Ватаннинг бир парчаси. Оила тинчлиги, хотиржамлиги, фаровонлиги бутун мамлакатнинг осойишталиги, тараққиёти, тўқилиши демакдир.

Шу боис халқимиз оилаларнинг мустаҳкамлигига, тотувлигига алоҳида эътибор қаратади. Ёшларга эсини таниганиданоқ бу маъвонинг муқаддаслигини англатиш, рўзгор тебратиш тугумларини, сирасорларини ўқитишга ҳаракат қилинади. Бироқ таассуфки, ҳаёт пасту баландликлардан иборат. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотишганда баъзан ёш оилалар шошиб қолади. Эр-хотин билиб-билмай нотўғри йўللарга қадам босади, учраган қийинчиликларни енгиб ўтолмай, ўзаро тортишади, бир-бирини ранжитади. Оқибатда оилага путур етади.



Долзарб мавзу

Оиладаги тотувликнинг йўқолишига, ажралишларга ақсарият ҳолларда ёшларнинг билимсизлиги, тажрибасизлиги, қизикқонлиги, ҳаётни енгиб-елпи тасаввур қилиши сабаб бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь кuni “Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусида ўтказилган ан-

жуманда шу ҳақда куюниб сўзлар экан, бу борадаги муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда дин аროблари, нурунийлар, маҳаллалар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари-ни ҳамкорликда фаол ишлашга чақирган эди.

Бугун мамлакатимизда оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, эрта турмуш қуриш ва оилавий низоларни бартараф этиш,

ажралишларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг диний билимларини бойитиш, аждрларимизнинг илмий мероси, азалий қадриятларимизни ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш мақсадида диний таълим муассасалари, илмий марказлар очилмоқда.

Дарҳақиқат, динимизда ҳам оила тотувлигини сақлаш, ёшларнинг бу борадаги

тушунча ва билимларини юксалтиришга жиддий аҳамият қаратилади. Исломий тушунчаларга кўра, қиз бола гувоҳлар ҳузурида “Бағишладим”, деб ёки ишора билан розилигини билдирса, йигит кишининг “Қабул қилдим”, дейиши билан икковлари ўртасидаги инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси бўлиши оила риштаси боғланади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КУН ТАРТИБИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил ўтган тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кенг муҳокама қилинди.



Давлат дастури ижросини тизимли ва барвақт ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида дастур бандларининг ижросини ҳар ойда таҳлил қилиш, танқидий муҳокамадан ўтказиб бориш амалиёти жорий этилди. Бу каби омиллар дастурдаги бандларнинг ўз вақтида бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Давлат дастурида белгиланган устувор йўналиш ва мақсадлар доирасида қатор ишлар уйдаланган. Давлат дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандида назарда тутилган топшириқлардан 337 тасининг ижро муддати 2022 йилнинг февраль — сентябрь ойлари этиб белгиланган.



Бизнинг интервью

СУВ — МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ЯГОНА НЕЪМАТ



Дунёда ҳамма нарсанинг муқобили яратилапти, лекин сувники йўқ. Сувни яратиб, кашф этиб ёки бошқа бир жисмдан ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки сув дунёда фақат ўзидан бошқа муқобили бўлмаган ягона неъмат. Сувнинг умрга қиёсланиши ҳам шундан. Аслида ҳам, сув бор — ҳаёт бор. Бинобарин, Ер юзининг кўп қисмини океан, денгиз, дарё ва кўллар ўраб турган бўлса-да,

— Исроил давлатида узок йиллардан буён ер ости чуқук сувидан меъёридан ортикча фойдаланиб келинганлиги туфайли захиралари тугаб, эндиликда сувни четдан долларга харид қилинаётгани ҳақида ўқиб қол-

дим. Айни чоғда халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида ер ости суви 5 метрга пасайиб кетгани ҳақида огоҳлантирмоқда. Айтинчи, ичимлик сувининг 60 фоизи ер остидан олинадиган Ўзбекистон ша-

роитида сув захиралари тугаб қолиши эҳтимоли борми?

— Ҳа, тўғри айтдингиз. Ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида Исроилда, араб давлатларида ер ости сувларидан фойдаланилган. Минг йиллар давомида пайдо бўлган ер ости сувлари ишла-

минлашда катта маблағ сарфланаётгани хусусида кўп ёзилмоқда. Ҳўш, Ўзбекистонда сув тақчиллигининг олдини олишда қандай йўл тутилмоқда? Эрта-индин бу хавф-хатар бизнинг ҳам бошимизга тушмай-дими?

Бу масалалар юзасидан “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Анвар МУҲАМЕДАЛИЕВнинг фикрлари билан қизикдик.

тиб бўлинди. Эндиликда улар сувнинг ҳар кубометри 2-3 долларга тушадиган денгиз сувини олиб, чуқуқлаштириб аҳолига берапти. Исроилда ўша пайтда ер остидан сув олиш арзimas пул турган бўлса, эндиликда четдан сув олиб келиш 1,5 долларга тушяпти.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Самарқанд шаҳрида МДХ ПА ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик экспертлар кенгашининг йиғирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда сайловларни рақамлаштириш, рақамли савдонни ривожлантириш, умуман, рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман

Мажлисни Экспертлар кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматов олиб борди.

Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти маъмурий қонунчилик ва жараёнлар бўлими бош илмий ходими Людмила Терешенко йиғилганларга эътиборни рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб йўналишлари қарати.

Тадбирда электрон овоз бериш технологияларини қўллаш тўғрисида МДХ ПА Кенгаши котибияти раҳбари ўринбосари — МДХ ПА Демократия ривожланишини мониторинг қилиш халқаро инс-

титуту директори Иван Мушкет ҳамда МДХ ПА ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик экспертлар кенгаши аъзоси, “UNICON.UZ” ДУК директори Махсум Махмудов атрофича маълумот берди.

МДХ Парламентларо Ассамблеяси ҳузуридаги Иқтисодиёт бўйича эксперт кенгашининг электрон тижоратни ривожлантириш юзасидан тақдифлари ҳам кўриб чиқилди.

Иштирокчилар Ҳамдўстлик мамлакатлари миллий парламентларида тақдиф этиладиган намунавий қонунларни яратиш бўйича Парламентларо Ассамблеянинг жамияти рақамли ривожлантириш соҳасида олиб бораётган ишлари билан ҳам танишди.



ҚОНУНЛАР БОР, АММО УЛАР ЖОЙЛАРДА ИШЛАМАЯПТИ

Халқимизнинг яхши урф-одат ва қадриятлари жуда кўп. Дейлик, эр-хотин жанжаллашиб қоладиган бўлса, аввало, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-қўй тезда ўртага тушади, низолашаётганларни яраштириш чоралари қўйилади. Шу саъй-ҳаракатлар туфайли ўз ўзанига тушиб олган оилалар истаганча топилади. Аммо беш қўл баробар эмас. Шунча уринишга қарамай муроаса келмайдиганлар ҳам учрайди. Оқибатда низо чигаллашиб, гендер зўравонлик, камситиш ва ҳатто турли жиноятлар содир этилади. Айрим ҳолларда аёлларнинг ўлдирилиши ёки уларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса нафақат унинг ён-атрофидагиларни, балки бутун жамиятимизни ташвишга солиши керак.

Мушоҳада

Шу сабабли кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олишини таъминлаш, ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.



КУН ТАРТИБИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Шундан 233 та банд ва кичик банд тўлиқ бажарилди, 16 тасининг ихро мuddати узайтирилди. Қолган бандлар ихроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этган. Жорий йилги Давлат бюджетидан 83,3 трлн. сўм маблағ ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ушбу харажатлар ушбу йилнинг мос давридагига нисбатан 24,7 фоиз ошган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир ҳудуд учун алоҳида “йўл хариталари” асосида 1,9 млн. нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган, 267 мингта лойиҳага 6,4 трлн. сўм имтиёзли кредит ва 35 мингдан ортиқ ишсизларга 112 млрд. сўм субсидиялар ажратилган.

Тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида 81 та оилавий шифокор пункти, 25 та оилавий поликлиника ҳамда 1 002 та маҳалла тиббиёт пункти очилиб, 3,5 млн. аҳолига бирламчи тиббий хизмат янада яқинлаштирилган. Ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида 19,5 мингта кундузги шифо ўрни ташкил қилиниб, уларда 740 минг нафар бемор ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Депутатлар мамлакат экспорт саноҳиятини оширишни таъминлаш масаласи бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш мақсадида ҳисобот даврида 11 млрд. долларлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилганини эътироф этди.

Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларга ўтиш, машҳур брендларни жалб қилиш мақсадида 38 та корхонада “OEKO-tex”, 11 тасида “Sedex”, 5 тасида “BSCI”, 2 тасида “GOTS” ва 170 дан ортиқ корхоналарда “ISO (9001, 14001, 45001)” халқаро стандартлари жорий этилди.

Парламентга берилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, 2022-2023 йиллар учун мўлжалланган манзилли рўйхатга асосан реновация ва реконструкция қилиниши лозим бўлган жами 268 та кўп квартиралы ўйдан 49 тасида бу ишлар бажарилиб, шаҳар ва туманларда эскирган уйлар ўрнига замонавий ўй-жойлар барпо этилди, 540 дан зиёд оилаларнинг турмуш шароити яхшиланишга эришилди.

Маҳлис қизгин савол-жавобларга бой бўлди. Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Н. Жумаев эхтиёманд аҳолини қўллаб-қувватлашга доир, жумладан, Молия вазирлиги томонидан эхтиёманд аҳоли учун моддий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган режа ҳамда вазирлик томонидан бу бўйича амалга оширилаётган ишлар билан боғлиқ масалани кўтарди.

Мазкур саволга молия вазири Т. Ишметов эхтиёманд аҳолини нафақа билан таъминлаш қамрови кескин ошгани, бу борадаги мезонлар тақомиллаштирилаётгани юзасидан таҳлилий маълумотлар асосида жавоб қайтарди.

Бундан ташқари, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси К. Тожиев мактаблардаги маҳвуд ошоналарини хатловдан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди. Ушбу саволга халқ таълими вазири Б. Саидов жавоб берар экан, мактаблардаги ошоналар хатловдан ўтказилгани ҳамда мазкур жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини маълум қилди.

Шунингдек, ЎзХДП фракцияси аъзоси Қ. Қосимова Давлат дастурининг

64-мақсадида ҳудудларда 105 та оилавий шифокор пунктини очиш, дастурининг 60-мақсади 232-вазифасида перинатал марказларни реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ишлари маҳаллий ҳокимликларга юклатилганлиги, бу борада қандай ишлар олиб борилаётгани бўйича савол билан юзланди.

Мазкур масалага соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятлов аниқлик киритиб, дастурда белгиланган вазифалар доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, перинатал марказларни реконструкция қилиш ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича бажарилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, ушбу масала юзасидан Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров ҳам қўшимча қилиб, 10 кун мuddатда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилишини билдирди.

Муҳокамалар давомида “Адолат” СДП фракцияси аъзоси О. Абдуллаева Давлат дастурининг 35-мақсади 178-бандида юртимиздаги 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш вазифаси қўйилганини таъкидлаб, бу бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди.

Депутатнинг ушбу саволига туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Б. Шаҳриёров жавоб қайтарар экан, маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш, уларнинг теғраларини белгилаш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича олиб борилган ишлар ҳамда маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Р. Бегматов ҳам Давлат дастури ижроси бўйича 6,5 мингта вертикаль

суғориш қудуғи қурилгани, бу орқали 225 мингдан ортиқ хонадонлар томорқаси сув билан таъминланганини қайд этиб, сув захираларидан умумли фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида савол берди.

Мазкур саволга Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров жавоб берар экан, тез орада ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш, соҳадаги камчиликларни тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини айтиб ўтди.

Мажлисда сўз олган ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Б. Бекмуродов аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт кластери, шунингдек, вилоят доирасида туманлараро кичик тиббиёт кластерларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳақида савол берди.

Савол юзасидан соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятлов аниқлик киритиб, аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш, Нурафшон шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт кластерини йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Депутатлар Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни эътироф этиб, айрим бандларнинг бажарилиши кечикаётганини танқид остига олишди.

Мажлисда ҳисобот юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан ҳам муносабатлар билдирилди.

иккинчидан, Давлат дастурида маҳаллий ихро ҳокимияти зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича тизимли мониторингнинг йўлга қўйиш ва назорат самарадорлигини ошириш мақсада мувофиқ,



Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Давлат дастурида белгиланган вазифалар, соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда,

қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, бугунги кунда давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини аввалги мавсумда йўл қўйилган камчиликлардан ҳулоса қилган ҳолда самарали ўтказиш чораларини қўриш;

иккинчидан, санитар тозалаш хизмати ташкилотларини молиявий соғломлаштириш, хусусан, дебитор қарздорликни камайтириш тадбирларини белгилаш;

учинчидан, мuddати узайтирилган ҳамда 4-чорада амалга оширилиши белгиланган бандларнинг ихросини ўз вақтида таъминлаш чораларини қўриш лозим.

Мажлисда депутатлар Давлат дастурининг ҳар бир бандида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсизлик даражасини қисқартириш ва тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар турганини таъкидлаб, уларнинг ихросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича бир қатор тақлифлар беришди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 9 ойлик ижроси юзасидан тақдим этган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНЛАР БОР, АММО УЛАР ЖОЙЛАРДА ИШЛАМАЯПТИ

Бунга мос равишда оилавий зўравонлиқнинг олдини олиш, зўравонликдан жабр кўрганларга амалий кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилатганлигидан барчамиз яхши хабардормиз.

Авалло, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилганлигини айтиш зарур. Шу мақсадда 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги иккита асосий қонун қабул қилиниб, амалиётга таъбиқ этилди.

Эътиборлиси, мазкур қонунлар ва ушбу йўналишдаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизларга нисбатан тазйик ҳамда зўравонлиқнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида профилактик суҳбат ўтказиш, ҳимоя ордери бериш, махсус реабилитация марказига жойлаштириш, зўравонликка мойил шахсларнинг феъл-атворини ўзгартиришга қаратилган ахлоқий тузатиш дастурларини амалга ошириш, аҳоли ўртасида кенг ахборот-тушуштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Парламент ва масъул давлат идораларида гендер зўравонликка барҳам бериш бўйича ҳуқуқий-норматив асосларни янада тақомиллаштириш устида муназам иш олиб боришмоқда.

Қолаверса, Олий Мажлис Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган 2021 - 2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Айни пайтда бу дастур асосида тегишли идоралар томонидан тазйик ва зўравонлик ҳолати аниқланган оилалар, уларнинг иш жойи, жазони ижро этиш муассасалари ҳисобини қўришти, тазйик ва зўравонлик содир қилишга мойил бўлган ёки уларни содир этган шахсларни аниқлаб, профилактик чоралар қўриш йўналишларида муайян ишлар рўёбга чиқарилаётди.

Бунинг биргина ҳимоя ордери бериш йўналишидаги ишлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида тазйик ва зўравонликдан жабрланган 32 минг 783 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Шундан 18 минг 112 таси рўхуқ, 9 минг 155 таси жисмоний, 340 таси иқтисодий, 68 таси жинсий зўравонликдир. Бу борада айбдор бўлган қўллаб-шасхлар маъмурий ва жинсий жавобгарликка тортилган. Баъзиларига эса жарима ёки маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Ҳимоя ордерлари расмийлаштирилган шахсларнинг муаммоларини хал қилиш натижасида 16 минг 117 та оила яраштирилгани ва 14 минг 640 та низоининг сабаблари бартараф этилгани бу борадаги саяй-харакатларнинг ўзига хос натижасидир.

Бундай ижобий натижалар мутасадди вазирликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган яшаш жойидан узоқ мuddатга чиқиб кетган аёллар оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси доирасидаги ишлар мисолида ҳам кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги қарори асосида ҳудудларда тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган аёлларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳузурнда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро намунали марказлардан 29 таси ташкил этилди.

Шунингдек, тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган аёлларга ёрдам кўрсатиш мақсадида мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлар очиш юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, бугунги кунда 6 та ННТ рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларидан жами 21 та ННТ ҳудудий Адлия бошқармасига ҳужжат топшириб, рўйхатдан ўтиш арасидада турибди. Бу борадаги ишларга масъул этиб Оила ва хотин-қиз

Демак, бугунги манзара шундай: мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда, ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга йўналтирилмоқда, аммо бу борадаги давлат сиёсати ҳам, тегишли ҳужжатлар ҳам жойларга етиб бормаяпти, етса ҳам ҳеч ким уларни бажариш йўлида жон қўйдирмапти.

Бу, аъчик ҳақиқат. Эндиликда бу борадаги ишларимизни танқидий кўриб чиқиб, янгича ишланиш йўлга қўймасак, юқоридаги каби аянчли воқеалар рўй бермайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бу эса нафақат масъулларни, балки бутун халқимизни ҳушёр тортириши, таъбир жоиз бўлса, уйғотиши керак.

лар давлат кўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур йўналишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирда “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Шу муносабат билан Сенатда сенатор ва депутатлар, ННТ вакиллари, юристлар, мустақил экспертлардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Бугунги кунда қонун лойиҳаси тайёрланиб, вазирликлар билан келишилмоқда.

Буларнинг барчаси яхши. Яъни айтиб ўтилганидек, соҳанинг ҳуқуқий асоси ва зарур тизим яратилган, дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этиб келинмоқда. Шунга яраша натижалар ҳам чакки эмас.

Аммо юртимиздаги қайсидир хонадонда зўравонлик, энг ёмони, қўтиллиқ кузатилаётган экан, эришилган натижалар ҳам кўзга кўринмай қолади. Бу ўринда гап охириги ойларида 7 нафар аёл турмуш ўртоғи томонидан ваҳшияларча ўлдирилгани ҳусусида бормоқда. Ижтимоий тармоқлардаги чиқишимизда буларнинг тул илдизлари ҳақида тўхталишга ва жамоатчилик эътиборини бундай мудҳиш жиноятларни келтириб чиқарган омиларга қаратишга ҳарақат қилдик. Бу ҳақда ана тўхталишимизнинг боиси, токи бундай ҳолатлар бартараф этилмас экан, ҳар биримиз давомий бонг уришимиз керак. Нафақат бонг уриш, балки зўравонлик ва қўтиллиқ иллатларнинг тул илдизини жойлардаги масъуллар билан биргаликда топиш ва бартараф қилишимиз зарур.

Такорр бўлса-да, Қуйи Чирчиқ туманида ўз эри томонидан ўлдирилган аёл ва Пастдарғом туманидаги каналлардан биридан мурдаси топилган 18 ёшли қиз қисмати ҳақида тўхташмоқчимиз. Кўпчилик, шу жумладан, қариндошлари уларнинг зўравонликка учраганидан хабардор экан. Бу жиноят рўй беришига нафақат оила, балки маҳалла вакиллари назоратни қўйсатирилганлиги сабаб бўлган. Маҳалла-қўй, ҳудуддаги тегишли идоралар масъулари-чи? Негадир, барчаси ёпиқли қозон ёпиқлигича қолгани яхши, дегандек жим туришини маъқул кўрган.

Улар бу воқеани кенг муҳокама қилиш орқали ана қареладир шунга ўхшаш воқеа такоррланишининг олдини олиш мумкинлигини тушунаганида, албатта, жим турмаган бўларди, деб ўйлаймиз.

Бу ишни эса жойлардаги масъуллар бажариши керак эди. Афсуски, улар ҳам жим... Яна афсуски, жаҳон андозаларига жавоб берадиган қонунларимиз бўлгани ҳолда, улар жойларда умуман ишламапти. Мана, мисол учун, “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни тазйик ва зўравонлик фактлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш, ҳолатларга муносабат билдириш чораларини келишиши ва амалий ёрдам кўрсатиши белгиланган. Қолаверса, тазйик ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш ва таъжирба алмашиш соҳасида чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, ушбу тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси ҳам юкланган. Тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб бориш, қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Балки шу модда тўлиқ ишлаганида, яъни зўравонлик ҳолатлари тўғрисида тезлик билан ваколатли орган ва ташкилотлар ўзаро бир-бирини хабардор қилганида, кимдир ҳушёр тортиб, ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўрган бўлармиди?..

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИНИНГ КАСБ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ички ишлар вазирлигининг пойтахтимиздаги маданият саройида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари қуни муносабати билан уюштирилган ушбу тадбирда Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этиб, соҳа вакилларига давлатимиз раҳбарининг табригини ўқиб эшиттирди.

Рағбат

Қайд этилганидек, ҳар йили сана муносабати билан ички ишлар тизими фидойилари — сафдор ҳамда сержант ходимлар, офицер ва генераллар ҳамда мухтарам фахрийларнинг эл-юрт тинчлиги ва осийишталлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдек машаққатли, шу билан бирга, шаарафли хизматлари муносиб эътироф этиб келинади.

Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Президентимизнинг тегишли Фармони билан мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнатни, халқимиз осийишталлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкам-

лашга қўшган муносиб ҳиссаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шаарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун бир гуруҳ ходимлар Ватанимизнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Ушбу мукофотларни Президентнинг Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Дониёр Қодиров ҳамда ички ишлар

вазири Пўлат Бобожонов топширди.

Шу билан бирга, бир гуруҳ ходимлар Ички ишлар вазирлиги томонидан идоравий кўрак нишонлар, эсдалик совғалар ҳамда пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Тадбирда мукофотланган ва соҳанинг бошқа вакиллари Ватанимиз мустақиллиги ҳамда халқимиз осийишталлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш йўлида ўз меҳнатларини аямасликларини, юрт равнақи ва тинчлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишларини баён этишди.

— Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари фаолияти учун барча зарур шароит яратилган. Соҳада жорий этилган “102” автоматлаштирилган тизими ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олишда ишларимизга яхши ёрдам берди, — деди Навоий вилояти ИИБ патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби Меҳридин Умедов. — Таъбиқ этилаётган илгор ахборот технологиялари ва бошқа қатор инновациялар олдимизга қўйилган ва-

зифаларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини яратмоқда.

Ҳар йили касб байрамимиз арафасида ички ишлар органлари ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари, унвонлари билан тақдирланади. Бу йилги мукофотланганлар рўйхатида менинг исмим ҳам қайд этилганидан жуда хурсандман.

— Давлатимиз раҳбари табригида ички ишлар органларида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, қундалиқ ҳаётга қонун устуворлиги, жиноят учун жазо муқаррарлигини жорий этишдек муҳим вазифани таъкидлади, — деди Хоразм вилоятининг Янгиярқиз тумани ИИБ профилактика катта инспектори, “Шухрат” медали соҳиби Баҳодир Қаландаров. — Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик энг олий қадрият эканини ички ишлар органлари ходимлари жуда яхши тушунади.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида турли террорчилик ҳаракатлари қандай уюштирилгани, улар ёш мустақил давлатни йўлдан оздиришга, шубҳа ва қўрқув уйғотишга урингани хотирамиздан ўчган эмас.

«Халқ сўзи».

Фамхўрлик

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИГА ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Уйи борнинг ўйи йўқ. Чиндан ҳам, ҳар бир инсон, аввало ўз уйига эга бўлишни, оиласи, фарзандлар билан бахтли ҳаёт кечиршини истайди. Бахтни ҳам ана шу мезон билан ўлчайди. Шу нуқтаи назардан, Бухорода 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари қуни муносабати билан соҳада фаолият кўрсатаётган 50 нафар хизматига замонавий тураржойлар қалитларни топширилгани қўшалоқ байрамга айланди.

— Қўлаётган ишидан, оила аъзолари, яқинларининг муваффақиятидан, бахту саодатидан фараҳланиш кишини янги марралар сари руҳлантиради. Шу маънода, ўғлим Ҳусниддин Сафаров эл-юрт тинчлигини, осийишталлигини сақлаш йўлида Ватанимиз қорига қамарбаста эканлигидан фараҳланаман, — дейди Махбуба Хайдарова. — Бугун унга бир гуруҳ сафдошлари қатори янги уй қалити топширилди. Жуда хурсанд бўлдик. Бу мамлакатимизда инсон умри азиз, қадри юксаклигидан далолат.

Бухоро шаҳрининг 7-мавзесида қад ростлаган етти қаватли уйларда яшаш учун барча қўлайлик яратилган. Хусусан, тураржой учун ҳар бир ходимга Ички ишлар вазирлиги томонидан уй қийматининг 25 фоизи, яъни 90 миллион сўм миқдоридаги дастлабки маблағ тўлаб берилгани аниқ мудао бўлди. Айнан шу мақсад йўлида 4 миллилардан 500 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги уйлар қалитларини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда бу далил давлатимизнинг соҳа ходимларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги фидоси экани таъкидланди.

Тадбирда

ДАРЁЛАР ЎЗАНЛАРИ ТОЗАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Шу йил 24-25 октябрь кунлари Сенатнинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимиздан оқиб ўтувчи дарёлар ўзанлари ва қирғоқларида ўрганишлар олиб борди.

Ўрганиш

Айтилишича, айрим субъектлар томонидан давлат мулки ҳисобланган дарё ўзанлари ва қирғоқ минтақаларидан норуда фойдали қазилмаларни доимий равишда ноқонуний қазиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарларга қаратилаётган бўлса-да, бу каби қонунбузилишлар, афсуски, ҳамон давом этиб келмоқда.

Йил қурғоқчил келиши қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва бошқа қўлпаб жабжаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунда, албатта, инсон омилининг таъсири ҳам бор. Бойси сув объектларида ўзбошимчилик билан олиб борилаётган “тадбиркорлик” ишлари оқибатлари қимматга тушмоқда. Шу нуктаи назардан, қум-шағал каби материаллардан табиатга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётир.

Бу борада ҳукумат томонидан дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ

дарё ўзанларида фаолият олиб борувчи айрим субъектлар томонидан лойиҳа параметрлари, гидрогеология, экология талабларига риоя қилинмаган. Хусусан, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш жойларида назорат мосламаси (репер), чегара ҳудудларни кўрсатувчи бетон қозиклар, тальвег контурлари туширилган тоғни кўриш ва аҳоли ўртасида профилактика чораларини бажаришга доимий эътибор қаратилаётган бўлса-да, бу каби қонунбузилишлар, афсуски, ҳамон давом этиб келмоқда.

Тегиили вазирликлар ва идоралар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси лозим даражада таъминланмаганлиги боис ҳудудларида айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар белгиланмаган жойлардан қум-шағал аралашмасини ноқонуний ва тартибсиз равишда қазиб олмақда.

Бундан ташқари, дарёларнинг муҳофаза минтақаларида тош майдалаш цехлари жойлашган бўлиб, улардан чиқаётган оқова сувлар тўғридан-тўғри тиндирилмасдан дарёга оқизилиши ҳисобига дарё сувининг нефть маҳсулотлари, темир ва муяллак моддалар билан ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда.

Ўрганиш натижалари Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ СИЁСЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Инновацион ривожланиш вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбатига асосий эътибор хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, гендер тенгликка доир миллий қонунчилик, Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ҳамда Пекин ҳаракатлар платформаси ва барқарор ривожланиш мақсадларини ўз ичига олган халқаро ва миллий мажбуриятлар аҳамиятини тушунтиришга қаратилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, сиёсий партияларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича масъул ҳодимлари, маҳаллий Кенгашлар депутат аёллари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда гендер тенглик давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу билан бирга, гендер тенглик — бу инсон қадр, эркинлик ва манфаатларини кафолатлаш, глобал миқёсда давлатлар барқарор тараққиётини таъминлашнинг асосий талаблари ҳамда зарурий шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда гендер тенглик ва гендерга нисбатан сезгир институтлар яратилгани, бу борада мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур соҳадаги ислохотларнинг самарасидир.

Ўз навбатида, тадбирда Гендер стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари, хусусан, сайлов ҳуқуқларини таъминлашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш бўйича рўёбга чиқарилган

ишлар бўйича сиёсий партиялар вакиллари тақдимотлар ўтказди.

Қолаверса, сиёсий партия вакиллари томонидан жамиятда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилган гендер тадқиқотларини амалга ошириш ва сайлов мобайнида аёл номзодларини қўллаб-қувватлаш жараёнида дуч келинаётган муаммоларни тизимли тадқиқ этиш ва бартараф қилишга эътибор қаратиш, вакиллик органларида фаолият олиб бораётган депутат аёллар фаоллигини ўрганиш, ихобий тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда уларни рағбатлантиришга қаратилган комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Давра суҳбатига жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўтлик ва самарали иштироки ва барча даражада етакчилик учун тенг имкониятларни таъминлаш бораидаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда сиёсий партияларда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Оиладаги эр-хотин муносабатлари, ўзаро аҳилликни сақлаш, юзюга келган низоларни ҳал этиш, рўзгор юритиш тартиб-таомиллари Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари орқали белгилаб берилган.

Жумладан, Қуръони каримнинг Нисо сурасида шундай марҳамат қилинади: **“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар. Солиҳа аёллар итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимоаси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир. Бош кўтаришларидан ҳавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ Олийдир, Улуғдир”** (34-оят).

“Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрсангиз, унинг (эрнинг) аҳлидан бир ҳакам ва бунинг (хотиннинг) аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ уларнинг (эр-хотиннинг) орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ ўта билувчидир, ўта хабардордир” (35-оят).

Энди оятларни батафсил таҳлил қилиб қўрайлик. Ҳа, жамият ҳайр-барка ила ривож топиб бориши учун унда тартиб-интизом, тинчлик-омонлик ҳўми суриши, раҳбар бўлиши лозим. Исроом таълимотига қўра, оила жамиятнинг асосидир. Шундай экан, оиланинг ҳам раҳбари бўлиши керак. Ана шу раҳбарлик эркакка берилди. Нима учун?

“Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар”. Демак, эркак киши оилага раҳбар қилинганининг иккита сабаби бор. Биринчиси — Аллоҳ таоло эркакни аёлдан фарқи қилиб яратгандир. Рост, эркак киши жисмонан ҳам, ички ва ташқи қиёфаси, ирода-сининг мустаҳкамлиги, руҳий-нафосий ва бошқа тарафлардан ҳам оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган.

Иккинчи сабаби оила қуриш ва бу йўлдаги барча сарф-ҳаражат эркак зиммасида экандир. Бундай раҳбарлик улкан масъулиятдир. Яъни эркак зиммасига оилага, жумладан, аёлга ҳомийлик қилиш, уни боқиш, муҳофаза этиш вазифалари қоланади.

Оятнинг мазмунини шуни кўрсатяптики, агар ушбу раҳбарликка эркаклар танланишидаги сабаблар бузилса, раҳбарлик уларнинг қўлидан кетади. Масалан, оила нафақаси эркак зиммасида эди, лекин эркак ҳеч бир сабабсиз уйда ўтириб, ўрнига аёлни ишлашга мажбур қилса, бечора хотин оиласини боқаман деб, болачақамни едириб-ичираман, эримга қарайман деб, бозорма-бозор, юртма-юрт сарсон-саргардон кезса, албатта, бундай оиладаги раҳбарлик ўз-ўзидан ўша аёл қўлига ўтган бўлади.

Чунки молиявий бошқарув кимнинг қўлида бўлса, ҳал этувчи қарор эгаси ҳам ўша бўлади. Бу, аввало, эркакни оила раҳбарлигига мос қилиб яратган Аллоҳ таолонинг иродасига қарши чиқиш ўлароқ, жамият низомиининг бузилишига ҳам олиб келади. Инсоф билан ўйлаб қўрайлик, бугун тўйгача, тўй ва ундан кейинги кўпгина сарф-ҳаражатлар, асосан, ҳеч томондан сарфланмаётгани? Худди мана шу нарса турмушнинг илк кунларидан эрнинг тилини қисқ қилиб, оиладаги раҳбарлик келин қўлига ўтиб кетишига сабаб бўлимоқда.

“Солиҳа аёллар итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимоаси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир”. Биз “итоаткор” деб айтётган сўз оятни каримада “қонитатун” лафзи ила келган. Аслида кундалик араб тили муомаласида “итоаткорлик” сўзи бошқа феъллар воситасида ифода қилинади. Бу сўз эса ўз иродаси, ихтиёри ва муҳаббатига қўра итоат этиш маъносини англатади. Демак, мўймина, солиҳа аёлларнинг биринчи сифати итоаткорлиқдир. Бу итоаткорлиқлари қўрқшдан, мажбурлашдан эмас, балки ўз масъулиятларини тушунганларидан келиб чиққан ихтиёрий муносабатдир.

Солиҳа аёллар эрлари ёнларидан турган пайтлардагина эмас, балки бирор сабаб билан оиладан узоқда бўлган чолларида ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва обрў-эътиборларини муҳофаза қилади. Бундай муҳофаза уларнинг ўз фикрларига ёҳуд эрларининг талабига биноан эмас, Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг амрига қўра бўлади.

Имом ибн Жарир Тобарий ва Ибн Аби Хотим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом: **“Аёлларнинг яхисси — назар солсанг, хурсанд қиладигани, амр қилсанг, итоат этадигани ва уйда бўлмасанг, сени ўз нафсидан ва молингга муҳофаза қиладиганидир”**, деганлар.

Юқорида келтирганимиз Нисо сурасидаги оятларда Аллоҳ субҳонаху ва таоло солиҳа аёлларни сифатлар экан, **“Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимоаси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир”** деб, эр-хотин ўртасидаги оилавий сири сақлаш муҳимлигига ишора этмоқда.

Ҳар бир оилада эр-хотин ўртасида сақланиши лозим бўлган сир ҳам вуҷудга келади. Қўп ҳолларда ўртадаги сирининг ошқор қилиниши бу ҳуфтлик орасига совуқчилик тушишга, эл орасида ушбу оиланинг обрўси кетиши, натижада унинг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Ривоятларнинг бирида хотини билан ноилоҳ ажрашишга мажбур бўлган эрдан хотинининг айбини сўрашганидир: “Бировнинг айбини сўраб нима қиласизлар? Агар мен у билан қайта ярашиб кетсам, ўз хотинимнинг айбини бировларга очган ҳисобланаман, ярашсаман, бегона бир аёлнинг айбини фош этган бўлам. У ҳам, бу ҳам одобдан эмас”, деган экан.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **“Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз”** (Бақара сураси, 187-оят). Узун оятда келган ушбу қисқасгина жумла билан Аллоҳ таоло олам-олам маъноларни баён этган. Одатда либос бир неча муҳим мақсадлар учун ишлатилади. Агар киши бўлмаса, ўша мақсадларга эришилмайди ва инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам қолмайди.

Биринчидан, либос уни кийган кишининг айбини беркитиб туради. Қуръони карим эр-хотинни бир-бирига “либос” деб таърифлаган, улар ҳам бир-бирларининг айбларини беркитиб туришлари керак. Эр-хотин бир-бирининг айбларини очини ўзаро муносабатларни бузувчи катта омилдир.

Иккинчидан, либос уни кийган шахсини зийнатлаб кўрсатувчидир. Шундай экан, Қуръони каримда ўзаро “либос” деб аталган эр-хотин ҳам бир-бирларини зийнатлашга ҳаракат қилишлари лозим.

Учинчидан, кийим ўз эгасини ёзда иссиқдан, қишда совуқдан сақлайди. Бас, шундай экан, эр-хотин ҳам бир-бирларини ҳаётнинг иссиқ-совуқларидан асрашлари зарур.

Тўртинчидан, либос уни кийган шахсининг вужудига энг яқин нарсадир. Либос билан уни кийган киши орасида ҳеч нарса бўлмайди. Қуръони карим эр-хотинни бир-бирига “либос” деб билар экан, улар ҳам ўзаро энг яқин шахслар бўлиши ва ораларига ҳеч қандай бегона кирмаслиги керак. Зеро, эр-хотин бир-бирига танмаҳрамдир.

Бешинчидан, либос уни кийган шахсга турли ноҳуш нарсалар, ҳатто чанг ҳам юқмаслигига ҳизмат қила-



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

ди. Бир-бирига либос ҳисобланувчи умр йўлдошлари ҳам бир-бирларига турли ёқимсиз нарсалар, ҳатто гард юқтирмаслик ҳаракатида бўлимоқлари зарур. Оилаларимиз тинчлиги ҳақида қайғурар эканмиз, ушбу маъноларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримизнинг бурчимиз, ҳатто бахту саодатимиз эканини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бугун ҳар бир маҳалла идорасида яраштирув хайъати тузилган. Афсуслар бўлсинки, бу хайъатларнинг мोजароли ташвишлари қўпайиб бормоқда. Эр-хотин ёки қайнона-келин ўрта-сида қўтарилган жанжалнинг дарҳол оиладан ташқарига чиқиши доим ушбу оиланинг фойдасига эмас, зарарига ҳизмат қилади. Арзимас сабаблар билан бошланган қўзо тортишувлар оқибатида ёшлар қизқон-лик устида Аллоҳ таолонинг буюк Аршини ҳам ларзага келтирувчи “талоқ” сўзини осонгина айтиб юбораётгани жамият масъуларини ҳидий ҳавотирга солмоғи керак.

Фараз этинг, оилалардан бирида ўзаро келишмовчиликлар содир бўлиб бошлади. Нима қилиш керак? Ўзлимиз дарров “талоқ”, деб айтсинми? Йўқ. Юқорида тафсири келтирилган 34-оятда: **“Бош кўтаришларидан ҳавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг”**, дейилапти. Шу ўринда аёллар эътироз билдиришлари мумкин: “Нима учун фақат биз, аёлларга насиҳат ўқилиши керак? Ахир ҳар доим ҳам айб бизда бўлавермайди-ку!” Ҳулосага шошилмаслик лозим, бу ерда ваъз-насиҳат зарбаси, аввало, эркакка етади. Чунки насиҳат берувчи эркак айтаётганларига ўзи амал қилмаса, унинг гаплари хотинига таъсир этармиди?! Масалан, Аллоҳ таолога итоатда бўлаётган эр хотинидан ўзига нисбатан итоат талаб қилиши қулғили эмасми?!

Бу услуб фойда бермаса, энди навбат талоқими? Йўқ, **“ётоқларида ҳижрон қилинг”** (Нисо сураси, 34-оят). Бу ҳолда аёлларга қаттиқ таъсир этадиган ҳассос бир услуб — бирига ётмаслик, гаплашмаслик чораси қўлланилади. Ушбу усулда ҳам тарбияланувчи аёлга қараганда тарбия қилувчи эрдан қўп нарс талаб этилади. Чунки ҳижрон таъсир кўрсатиши учун унинг ўтида аввал ўзи қўймоғи керак. Бу усул эрлардан қучли ирода ва сабр-тоқати сўрайди.

Юқоридаги кўрсатмаларнинг ҳаммасига амал қилиб қўрилди. Яъни натижа бўлавермаган, энди эрнинг тили “талоқ” сўзи билан намланишига рухсат бериладими? Йўқ! Оятда **“ва уринг”**, дейилмоқда. Бу ўз қадрини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учун қўлланиладиган ўзига ҳо тарбия усулидир. Шунини таъкидлаш лозим, яъни муслмон хотинини асло урмайди. Чунки ҳадиси шарифда: **“Сизларнинг энг яхшингиз хотинларингизга яхши муомала қиладиганингиздир”**, дейилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Оиша онамиз розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хотинларидан ва ҳодимларидан ҳеч бирини урмаганлар”**, дейилади.

Ушбу маъноларни ҳар бир аёл ва эркак яхши тушуниб олмоғи ҳамда

ҳаётга татбиқ этмоғи керак. Аёллар эрларига итоатсизлик кўрсатиб, уларга қарши бош кўтармаслиги, ҳадларидан ошмай, эрларини фавқулодда қора қўришга мажбур қилмаслиги зарур. Эрлар эса хотинларига яхши муомалада бўлиши, мабодо аёллардан баъзи бир ҳатолар ўтса, сабрда бўлиши, кечирishi талаб этилади. Ана ўшанда улар муслмонларнинг яхшиларидан бўлади.

Ушбу чораларни қўллаш билан оилавий муаммолар барҳам топса, **“...уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманг”**, яъни кечирими бўлиб, яна камчиликлар излашга киришмаслик керак. Масалан: “Сен ўзинг ярамас хотинсан, лекин болаларинг учун кечирдим”, каби гаплар ноҳозирдир.

Баъзида бу чораларнинг ҳеч бири наф бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда талоқ айтса бўладими ёки маҳаллага чиқиш керакми? Шошманг: **“...унинг (эрнинг) аҳлидан бир ҳакам ва бунинг (хотиннинг) аҳлидан бир ҳакам юборинг”** (Нисо сураси, 35-оят). Яъни бундай ҳолда ҳам эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган қариндошини ҳакамликка тайин қилади. Ҳакамлар илоҳи борича қариндошлардан бўлимоғи яхши, лекин илоҳи бўлмаса тақдирда бегоналар жалб этилиши ҳам мумкин. Албатта, ушбу икки ҳакам муслмон, эркак, одил, муқаллаф, диний аҳкомлардан ҳабардор, никоҳ, талоқ масалаларини тушунадиган кишилар бўлиши шарт. Уларнинг қариндошлардан бўлиши — эр-хотинни яхши билиши, оилани сақлаб қолиш бораида бегоналардан қўра қўпроқ қайғуриши, сир-асрорларини яширишлари юзасидандир. Бу чора ҳам исломда илоҳи борича оилани бузмасликка уриниш қучли эканини кўрсатиб турибди.

Демак, динимизда оилани асраб қолиш, сирларини сақлаб, унинг шаънини ҳимоа қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Насиҳат, ҳижрон, уриш каби чоралардан ўтиб, ишга қариндош ҳакамлар аралашувигача етиб келса-да, на талоққа ва на бирор сири кўчага олиб чиқишга рухсат бор. Эр-хотин ўртасидаги муносабат тобора кескинлашиб, ҳакамлар ҳам орани ислоҳ қила олмаса, уларнинг ўзаро ҳаётлари жуда мураккаблашиб кетсагина, кейин маҳаллага қайраштурув хайъати томон йўл очилади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, одам боласи ёлғиз яшай олмайдиган қилиб яратилган. Шунинг учун у оила қуришга, ўзига ҳуфт танлашга муҳтождир. Икки ёш ўзаро бир-бирларини ёқтиришиб, келишиб, муштарак буюк мақсад сари отланаркан, бу никоҳ аҳди орқали амалга ошиши лозим.

Аллоҳ субҳонаху ва таоло ислом дини аҳкомларини нозил қилар экан, инсон наслини пок сақлаш йўлини тутди ва никоҳга буюрди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мувоваққатларида никоҳга жуда қучли тарзда тарғиб этилади. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Эй ёшлар жамоаси! Сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уй-**

лансин. Чунки у қўзни тўсувчи ва фарж-ни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишидир”, деганларини эшитдим” (Бешовлари ривоят қилишган). Ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодир бўлган кишилар дарҳол уйли-жойли, оилали бўлишга ҳаракат қилмоқлари зарур.

Шунинг учун бола оила қуриш ёшига етганида, ота-онаси уни оилали қилиб қўйишга шошилмоғи керак. Ақс ҳолда балоғатга етган бола ўз шахсоний нафсини гуноҳ йўллар билан қондиришга ўтади. Бу эса зинодир! Унинг яқинига ҳам йўлба бўлмайди. Зино нафақат оилани, балки бутун жамиятни бузувчи жирканч иллатдир.

Ҳаётий тажрибалардан маълум бўлмоқдаки, ёшлар ўз вақтида оила қура олмасликларига сабаб иккита экан: ота-оналар орузси ва ҳар хил бидъатлар. Оруз-ҳавас деган нарсани нотўғри тушунадиган ота-оналар даб-дабали, эл оғзига тушадиган тўй қилиш учун йиллар давомида йиғинади. Ҳатто бу борада мақоллар ҳам тўқилди: “Қизни бешикка сол, сепини сандиқка”, “Қиз чиқарганга қўй ил тегма”... Чегара билмас оруз-ҳаваслар эвазига келадиган машаққатлар бора-бора оилада қиз туғилиши малол қўрилишига сабаб бўлиб қолмоқда. Ёки бидъат-хурфотларга қўр-қўрона эргашши оила қуришдек ҳайрли ишнинг кечикишига сабаб бўлаётганига бир оз тафаккур назари билан қарайлик. Масалан, бир хонадонда тўй бўлмоқчи. Ўша оилада ёки қариндошларникида жаноза бўлиб кетса, тўй қолдирилди. Маййитнинг етгани, қирқи ва йили ўтмагунча тўй ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Фараз қилайлик, баъзан оилаларда жанозалар кетма-кет бўлиб кетса, унда ёшларга жабр бўлмайdim? Ҳолбуки, динимизда эри вафот этган аёлдан бошқалар учун мотам кунлари у кундан ошмаслиги кераклиги таъкидланган.

Аслиятдан четлашмиш оқибатида бугун қизлар гўёки эрга эмас, қайнонага узатилаётгандек. Тўғри, қайнота ҳамда қайнона ота-она ўрнида бўлади. Лекин бу келин қайнонанинг қўлига худди бир ҳизматкордек боради, дегани эмас. Албатта, ҳамманинг ҳурмати ўз жойида, лекин шариятининг ҳурмати ҳамманикидан баланддир.

“Мана бу ғорга қирма, унда захарли илон бор”, дейилса ҳам ғорга қирган киши ё у гапга ишонмаган ёки илондан қўрқмаган бўлади. Гузал ҳаёт қуриш учун қачон оят-ҳадислар айтилса ҳам парво қилмаган инсон ё оят-ҳадисларга ишонмаган ёки ёмон ҳаётни танлаган ҳисобланади.

Оила ахллари ўзаро ҳўшумомалада, меҳр-муҳаббатли бўлиб, фақат яхшилик асосида маъруф йўлларда умр кечиршишга, ҳаёт чинакам гузал бўлади. Ҳулосасининг икки дунё саодати дарвозасининг қалити бўлиши пурҳикмат оятни қарима билан яқунлаймиз: **“...Улар ила маъруф ҳолатда яшанг”** (Нисо сураси, 19-оят).

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Тошкент шаҳар бош имом хатиби.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Жамиятни рақамли ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари 2022 йил 2 декабрь кунин МДХ Панинг Санкт-Петербургдаги қароргоҳида бўлиб ўтадиган халқаро конференциянинг асосий масаласи бўлади. Шундан келиб чиқиб, Экспертлар кенгаши мажлисида конференцияга тайёргарлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, МДХ ПА ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик экспертлар кенгаши МДХ ҳудудида алоқа ва ахборотлаштириш бораидаги миллий ҳуқуқий тизимларни уйғунлаштиришга қўмаклашувчи намунавий қонунларни ишлаб чиқишда икки тузилманинг ҳамкорлигини таъминлайди.

Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик электр (телефон, телеграф алоқаси, телевизион, радио ва симли эшиттириш) ва почта алоқаси соҳасидаги ҳамкорлик ва келишил-

ган ҳаракатлар учун МДХ давлатларининг тегишли вазирликларини бирлаштиради.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган МДХ Парламентлараро Ассамблеяси кузги сессияси Экспертлар кенгаши мажлиси билан ўз иш-ни бошлади.

Шунингдек, мазкур нуфузли анжуман доирасида 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида МДХ ПА Кенгаши мажлиси ҳамда МДХ ПА эллик тўрттинчи ялпи мажлиси, Ассамблея ва МДХ Ёшлар Парламентлараро Ассамблеяси доимий комиссияларининг мажлислари бўлиб ўтади.

Уларда МДХ ПАга аъзо мамлакатлар парламентлари делегациялари раҳбарлари ва аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

СУВ — МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ЯҒОНА НЕЪМАТ



1

Бугунги кунда улар сувни иқтисод қилиб ишлатишга мажбур бўлишяпти. Шундаям давлат 1 доллар дотация берапти. Араб давлатларида ҳам аҳвол худди шундай. Саудия Арабистонида давлат аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир кубометр сувга 3 доллар қўшиб берапти. Шу боис аҳолига 1 кубометр сув бир долларга тушяпти. Шунанга ҳолатга етиб бормаслигимиз учун ақл билан иш туттишимиз керак. Илмий асосланган даражада ишласак, авлодларимизга етадиган даражада сув бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда ичимлик сувининг 60 фоизи ер ости сувларидан таъминланади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ташқари барча вилоятларда ер ости сувларининг роли жуда катта. Масалан, илгари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам ер остида чучук сувлар бўлган, аммо уни тугатиб, тагига етдик. Шунинг учун ўтган асрнинг 90-йилларида Туюқийин сув омбори қурилди. Сувни шу омборда йиғиб, баҳорда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига узатишмоқда. Бир пайтлар Навоий ва Бухоро вилоятларида ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланилган. Эндиликда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун Самарқанд вилоятидан 240 километр масофада жуда катта маблаг сарфланиб, магистраль сув қурувлари орқали обихаёт етказилмоқда.

Бундан ташқари, ичимлик суви захиралари йўқ худудларда (Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм ва Бухоро вилоятларининг узок қишлоқларида) шўр сувларни чуқуллаштириш ускуналари ўрнатилмоқда. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда 60 дон, Хоразм ва Бухорода 2 донадан сувни чуқуллаштириш ускуналари ишлаб турибди ва янгиларини ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

— **Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида, шунингдек, бошқа вилоятларида ҳам ер ости сув захиралари тугаб қолиш эҳтимоли борми?**

— Эҳтимол эмас, бор, сезилаяпти бу ҳолат. Мана масалан, илгари Қашқадарё вилоятининг ўрта қисмларида ер ости ичимлик сувлари яроқли бўлган. Ҳозирги кунгача Китоб ва Шахрисабз туманларида ер ости сув конларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу ер ости сув конларининг ҳам бир қисми ичишга яроқсиз бўлиб борапти. Ер остидан сув олиш меъёрига қатъий амал қилишасан, аҳвол бундан ҳам ёмонлашади. Сабаби ер ости сувларидан интенсив фойдаланиш, уни сугоришда, ичимликка ва саноатга ишлатиш даражаси низоҳатда олиб борапти.

Илгари Самарқанд вилоятида ер ости сувининг ҳаммаси чучук бўлган. Ҳозир Каттақўрғондан қуйи худудларда ичимлик суви яроқли эмас. Шунинг учун биз Навоий ва Бухорога сув қувири тортабтанда Каттақўрғондан тепада — Дамхўжа гидроузели атрофларидаги сифатли ер ости сувларидан олишга мажбур бўлдик. Худди шу аҳвол Сурхондарё вилоятида ҳам мавжуд.

Сурхондарёда ҳам илгари ер ости суви сифатли бўлган. Ҳозирги кунда Тўполанг сув омборидан жуда катта маблаг эвазига магистраль қувур тортишди. Давлатимизнинг алоҳида қарори билан Тўполанг сув омборидан то Термиз шаҳригача 196 километр масофада сув қувири тортиш ишлари олиб бориляпти.

— **Анвар ака республикамизнинг Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Нурота, Қўшработ, Зомин, Янги-обод, Чирокчи, Қўқдала, Бешарик, Пахтаобод, Избоскан, Кўргонтепа, Жалакудук, Нуробод, Ургут, Иштинон, Пайарик, Шароф Рашидов ва Фориш туманларида ер ости сув сатҳининг 5 метргача ва ундан ортиқ пасайиб кетиши давом**

этаётгани хусусида ОАВ бонг ўрмоқда. Айтинг-чи, бу ҳолатнинг олдини олиш мумкинми?

— Бу масала бугун пайдо бўлгани йўқ, биз бунинг тенденциясини кузатиб бораёلمиз. Энг пасайиб бораётган худудлар, масалан, Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ер ости сувлари бўйича алоҳида қарор қабул қилинган. Ер остидан сув олишни чеклаш ва бошқа қудуқлар қазимаслик бўйича мораторий эълон қилинган.

Кейинги ўн йил ичида ер остидан сув олиш интенсивлашиб кетди. Фақат Қўшработ билан Зоминда ер ости суви етарли бўлмай қолди, деб тушунамаслик керак. Наманган ва Самарқанд вилоятларининг баъзи худудлари алоҳида мониторинг қилинган ва шу жойларда сувни ер остидан олишни чеклаш, мораторий эълон қилиш бўйича ҳукумат қарори тайёрланяпти. Агар исрофгарчиликнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар белгиланмаса, ҳақиқатда ичимлик суви таъминотида анча қийинчиликлар юзага келиши табиий.

Прогнозларга кўра 2050 йилга бориб, Ўзбекистонда сув тақчиллиги беш баравар ошishi айтиммоқда ва у даражага етиб бормаслигимиз учун ҳозирдан ҳаракат қилишимиз керак.

— **Глобал исси натижасида Тожикистон ва Қирғизистон тоғларидаги музликлар тез эриб кетаётгани кузатишмоқда. Албатта, бу ҳолат сув тақчиллигига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди, тўғри эмасми?**

— Тўғри айтасиз, иқлим ўзгаришлари, глобал исси, бутун дунё бўйича қуроқчиликнинг ривожланишига сабаб бўляпти. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Охириги таҳлиллар бўйича, Ўзбекистонда бир йилда олиннадиган сув ресурслари 55 кубкилометр бўлса, талабимиз 59 кубкилометри ташкил этади. Демак, 4-5 кубкилометр сув етишмаяпти. Бунга иқлим ўзгаришлари натижасида музларнинг эриши тезлашаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Айтайлик, кейинги 30 — 40 йил ичида Тожикистон, Қирғизистон тоғларида жойлашган музликлар ўзининг 30 фоиз ҳажмини йўқотди. Бу албатта, сув ресурслари тақчиллигига таъсир қилади. Музликларнинг меъёридан ортиқча эрувчанлик келажагда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Асосан, экинларни сугориш талаб қилнадиган пайтда, яъни май ойидан бошлаб музликлар эрий бошлайди, Амурдарё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари Қашқадарё, асосан, Тожикистон, Қирғизистонда жойлашган музликлардан сув олади. Прогноз бўйича 2050 йилгача бу музликларнинг эриши аянам жадаллашади. Ва бу бўйича ҳозирги пайтда глобал микёсда чоралар қўриш зарур бўлади. Бунга тайёргарлик қўришимиз керак. Эртага оғир вазиятга тушиб қолганда, “энди нима қиламиз?” деган ҳолат бўлмаслиги учун бу масала билан жиддий шугулланиш лозим. Энг асосийси, мавжуд сув ресурсларини Марказий Осиё давлатлари ўртасида адолатли тақсимлаш масалалари 30 — 40 йилдан бери муаммо бўлиб келяпти, унга бугун аҳамият берилмаса эртага кеч бўлади.

Аслида Орол фожиаси ҳам шунинг оқибатида келиб чиққан. Ер ости сувлари, асосан, ер усти сувларидан тўйинади. Агар ер усти сувлари микдори камайса, сифати ёмонлашса, ер ости сувлари ҳам ёмонлашади. Микдори камайди, ҳаттоки баъзи регионларда ер ости сувларини йўқотиб қўйишимиз мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, иқтисодиётнинг, қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши сув билан чамбарчас боғлиқ. Тараққиёт бўлгани сайин сув ресурслари тақчил бўлиб бора-

веради. Бу — ҳаёт қонуни. Шунинг учун боя айтганимдек, мамлакатлар ўртасида адолатли сув тақсимоти йўлга қўйилиши керак ва энг зарури Марказий Осиё давлатларининг ҳаммаси сувни иқтисод қилиб ишлатишга ўрганиши шарт.

Биз хорижга бориб кўрдик, масалан, такор бўлса ҳам айтмамиз, Исроил давлати, араб давлатлари ҳам ресурслардан оқилона фойдаланиб, иқтисодиётини юртаяпти. Биз ҳам улардан ўрганишимиз керак. Тўғри, бу соҳада бизда анча ишлар қилинган, хабарингиз бор, ҳукуматимизнинг қарори билан томчилатиб, ёмғирлатиб сугоришга ўтган ҳўжаликларга қиладиган харажатининг бир қисми давлат томонидан қўллаб бериляпти. Сабаби бизда 84 фоиз сув ресурслари қишлоқ ҳўжалигида, асосан, экинларни сугоришга ишлатилади, 6 фоизи саноат, ўртача 5-6 фоизи ичимлик суви ва 3-4 фоизи балиқчилик ҳўжаликларига тўғри келади. Қўриб турганингиздек, қишлоқ ҳўжалигида кўп сув сарфланяпти, аммо бошқа соҳаларда ҳам сувни иқтисод қилишга ўрганишимиз лозим.

— **Бугун аҳолининг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш энг долзарб вазифага айланяпти. Айниқса, ичимлик суви-дан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари жуда кўп учраяпти, бу бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?**

— Тўғриси, “сувни сепма, оқишиб қўйма”, деган билан натижага эришиб бўлмаяпти. Биласизми, фақат аҳоли иқтисодий зарар кўрсанига, сув қадрини тушуниб етгади. Бу менинг фикрим эмас, бутун дунёда шундай ҳулосага келинган. Масалан, Тошкент шаҳрини олайлик. Бундан 10 — 15 йил аввал ҳисоблаш ускуналари йўқ эди. Мана ҳўзир биригина Тошкент шаҳрида 70 — 80 фоиз аҳоли сув ҳисоблагич ускуналари билан таъминланиши натижасида ичимлик сувини ишлатиш сарфи 2 бараварга камайди. Қаранг, ҳали “ақли ҳисоблагич”ларни ўрнатмасдан туриб шундай натижа бор. Одамлар ҳисоблагичга қараб, кўп ишлатиб қўймай, деб тежамкор бўляпти. Кўп ишлатса, кўп пул тўлашни билади ва иқтисод қилишга мажбур бўлади. Ривожланган давлатларда жорий этилган усуллардан бири бу.

Шу ўринда битта рақамни келтираман. Бундан 20 — 25 йил илгари киши бошига ичимлик суви бериш кунига 200 — 250 литрни ташкил қиларди. Охириги ўтказилган ҳулово натижасида ҳар ҳолда баъзи ютуқларга эришганимиз кўриняпти. Бугунги кунда киши бошига ўртача 133 литр сув бериляпти. Яна бир нарсас, сув ресурсларидан фойдаланишда, энг асосий мақсад ҳисоб-китобни йўлга қўйиш керак. Ҳўзирги кунда аҳолининг 60-61 фоизи сув ҳисоблаш ускуналари билан таъминланган. Юридик ташкилотлар, ҳуосан, саноат қорхоналарининг 95 фоизига сув ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган. Қаерга қанча сув сарф қилинаётганини аниқлашда сув ҳисоблаш ускуналарининг аҳамияти катта. Сув бўйича ҳисоб-китобни юз фоиз олиб борсакки, тежамкорликка эришимиз осон кечади.

— **Албатта, фикрларингизга қўшилман, лекин ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида ҳисоблагичлар ўрнатилмаган хонадорлар норматив бўйича тўлайди. Улар кам ёки кўп сув ишлатса ҳам бир хил нарх тўлаши ҳисобига истасанча сувни исроф қилипти...**

— Биз тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз, исрофгарчиликнинг олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилияпти. “Табицаи сравнение” — таққослаш жадвалида бу яққол ақл этмоқда. Кимда ҳисоблагич бўлса кам пул тўлаяпти, кимда у бўлмаса норматив бўйича 2-3 баравар кўп пул сарфляпти.



Шунинг учун улар ҳисоблагич ўрнатишга мажбур бўлишяпти. Ҳисоблагич ускуналарини етказиб беришда муаммо йўқ.

— **Энди “ақли ҳисоблагич”лар ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик. Айтинг-чи, “ақли ҳисоблагич”нинг афзаллик жиҳатлари нимада?**

— Ривожланган мамлакатларда “ақли ҳисоблагич”лардан унумли фойдаланилмоқда. Бу бўйича биз ҳам иш бошлаганмиз. Мана масалан, Жанубий Корейнинг “K-water” ташкилоти билан имзоланган меморандумга асосан, Тошкент шаҳрининг Миробод тумани, Қўйлиқ 2, 3 ва 4-мавзелида 7850 донга сув ҳисоблагич ўрнатиш ҳамда биллинг тизимига уланиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда 1900 донга сув ҳисоблагич ўрнатилди. Жанубий Корейнинг “SHIN DONG-A ELECTRONICS CO, LTD” ташкилоти билан имзоланган меморандумга асосан эса Тошкент шаҳрининг Миробод тумани, Қўйлиқ-1 мавзелида 43 донга антенна ва 610 донга сув ҳисоблагич ўрнатиш ҳамда биллинг тизимига уланиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда 18 та уйга 500 донга сув ҳисоблагич ўрнатилди.

Шу билан бирга, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида, Тошкент вилоятининг Ангрена ва Олмалиқ шаҳарларида, Фарғона вилоятининг Боғдод туманида “ақли ҳисоблагич”лар ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

Бу ҳисоблаш ускунаси бўйича қилинаётган ҳамма харажатлар марказий диспетчерлик пунктида қўриниб туради. Қанча сув сарфланаётгани, қанчаси исроф бўлаётгани акс этади. Фақат хонадорларда эмас, кераклик узелларга ҳам “ақли ҳисоблагич”лар қўйилади. Унда технологиялардаги йўқотишлар ҳам қўриниб туради. Кейин қайси кўчада, қаерда қанча сув беҳуда сарфланиши ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун ҳам уни “ақли ҳисоблагич” дейишди.

“Ақли ҳисоблагич”ларнинг яхши томони шундаки, ким пул тўламаган бўлса, уни ўчириб қўйиш мумкин. Мана, ҳўзир бизда дебитор қарздорлик 1 триллион 250 миллиард сўмга чиқди. Бу жуда катта рақам. Бунинг натижасида электрдан қарздорлик, ходимларга маош тўлаш ва бошқа харажатларда қийинчиликлар юзага келмоқда. Баъзи жойларда берилмаган сув таннархлари 30, 40, 50 фоизини электр энергияси ташкил қилади. Бундай ҳолатда “ақли ҳисоблагич”лар жуда асқатади. Яъни кўп давлатларда сувнинг пули олинган тўланмаса, марказий диспетчерлик пункти орқали тармоқдан узиб қўйилади.

— **Ичимлик суви қурувлари эскириб кетгани туфайли ҳам баъзи худудларда исрофгарчиликка йўл қўйилаётир. Ўтган асрдан қолган, муддатини ўтаб бўлган эски қурувларни алмаштириш ишлари қачон қуруланади?**

— Балансимизда 82 минг километр ичимлик суви қурувлари ва магистраль қурувлар бор. Сир эмаски, шундан 27 минг километр ичимлик суви қурувлари ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида тортилган ва улар эскирган, тўғрироғи, муддатини ўтаб

бўлганлиги сабабли етказиб бериш жараёнида ичимлик сувининг 30,2 фоизи йўқотилмоқда. Бундан 5-6 йил илгари чириган қурувлар 2 баравар кўп эди. Давлатимиз ажратган маблаг ва хориждан олинган кредитлар ҳисобига бу рақам 2 баравар пасайтирилди. Эскирган қурувлардан 27 минг километри қолди. Қолаверса, иншоотлар ҳам эскириб кетган. Уларнинг бир қисми ҳозирги кунда реконструкциялаб, ишга туширилди. Қолган қисmini ҳам реконструкция қилиб, чириган қурувларни алмаштириш бўйича иш олиб бориляпти.

Ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш соҳасида халқроқ молия институтлари иштрокида қўймати 1,9 млрд. долларга тенг бўлган 20 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг 611,7 млн. долларлик 5 та лойиҳаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 370 млн. долларлик 6 та лойиҳа, Жаҳон банкининг 310 млн. долларлик 4 та, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг 385,1 млн. долларлик лойиҳа, Ислон тараққиёт банкининг 57,5 млн. долларлик 1 та, Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармасининг 126,5 млн. доллар микдоридаги 3 та лойиҳаси бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 6 528,7 км. сув тармоғи, 12 та сув олиш иншооти, 7 та сув тозалаш иншооти, 175 та сув тақсимлаш иншооти, 97 та сув қудуги, 119 та сув минораси, 136 та сув тақсимлаш қурилмаси қурилади ва реконструкция қилинади.

Эътиборлиси, марказлашган тармоқлар бўйича аҳолига сув етказиб бериш даражаси бундан 5 йил илгари 63 фоиз бўлса, бугунги кунда 71 фоизга чиқди. Бу жуда катта ўзгариш.

— **Анвар ака, айланма сув таъминоти тизимига ўтиш вақти келмадимики? Чунки баъзи саноат қорхоналарида ишлатилган сувдан яна фойдаланиш имконияти мавжуд-ку?**

— Сувни тежаш ҳақида гап кетганда, бундан буён фақат автомобил йовиш, кўчага сепиш ҳақида гапириш керак эмас. Бизда катта потенциал резервлар бор, масалан, саноат соҳасида жуда катта қорхоналар қуриляпти, ҳаммаси сув талаб қиладди. Баъзи қуриляётган қорхоналар ичимлик суви мавжуд худудларда жойлашган. Мана шу қорхоналар иложи бориҳа айланма сув таъминоти тизимига ўтиши керак. Бу ҳам жуда катта сув сарфини пасайтиришга ёрдам беради. Яна шунанга гигант қорхоналаримиз борки, 30 минг, 40 минг кубометр сув ишлатилади. Агар улар айланма сув таъминоти тизимига ўтказилса, сув сарфи 2-3 баравар камайди. Эскириб кетган канализация тизимларини реконструкция қилиш натижасида тозаланган сувнинг сифати анча яхшиланди. Ва бу сувларни техник эҳтиёжлар учун ёки экинларни сугоришга ишлатса бўлади.

Эндиликда Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан бекорчи йўқотишларнинг ва ноқонуний улаишларнинг олдини олиш бўйича иш олиб бориляпти. Айтайлик, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида магистраль қурувларни тешиб, экин сугориш ва бошқа мақсадларда ишлатиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бундай ўзбошимчаликлар бўйича жойига чиқиб жаримасини қўллаб, керак бўлса, чики ишлар органларини аралаштириб, шу масалалар бўйича чора-тадбирлар қўришмоқда. Масалан, жо-

■ Самарқанд вилоятида ер ости сувининг ҳаммаси чучук бўлган. Ҳўзир Каттақўрғондан қуйи худудларда ичимлик суви яроқли эмас.

■ Кейинги 30 — 40 йилнинг ичида, асосан, Тожикистон, Қирғизистон тоғларида жойлашган музликлар ўзининг 30 фоиз ҳажмини йўқотди.

■ Ўзбекистонда 84 фоиз сув ресурслари қишлоқ ҳўжалигида, 6 фоизи саноатда, 5-6 фоизи ичимлик суви сифатида фойдаланилади ва 3-4 фоизи балиқчилик ҳўжаликларига тўғри келади.

■ 27 минг километр ичимлик суви қурувлари ўтган асрнинг 60 — 70 йилларида қурилган ва улар муддатини ўтаб бўлганлиги туфайли ичимлик сувининг 30,2 фоизи йўқотилмоқда.

■ 2022 йилда сув тармоғига 1082 та ноқонуний улаиш эвазига 11,8 млрд. сўмлик зарар етказилган.

рий йилда 1082 та ноқонуний улаиш ҳолати аниқланган бўлиб, бунда 11,8 млрд. сўмлик зарар етказилган. Айни пайтда зарар келтирган истемьолчиларга давьо аризалари тақдим этилган. Ачинарлиси, қувер тешилганидан сўнг босим пасайиб кетди ва сув керакли манзилга етиб бормайди. Ноқонуний фойдаланувчилар эса бу ҳақда ўйламайди...

— **Балки бизда бошқа давлатларга нисбатан сувнинг арзонлиги унинг исроф қилинишига сабаб бўлаётганми?**

— Тўғри, бизда сув арзон, масалан, Тошкент шаҳрида 1 кубометр сув 400 сўм туради. Бошқача айтганда, 400 сўмга тозаланган, ичишга яроқли 1000 литр сув берилади. Энди бор-йўғи 400 сўм экан деб, уни исроф қилиш керак эмас, бу масалада келгуси авлодларни ўйлаб, сувни тежаб-тергаб, ақл билан ишлатишимиз лозим.

Яна бир мисол, илгари Жиззахда ер ости сувлари ҳаммаси сифатли, чучук эди. Кейинги 30 — 40 йил ичида Жиззахдаги ичимлик сувлари ичишга яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шунинг учун давлат пул ажратиб, Зарафшон дарёсидан Жиззахга катта магистраль қувер орқали сув келтириб, тозалаш иншооти қуриб, аҳолига ичимлик суви етказиб беришга мажбур бўлди. Қўрғасизми, давлатимиз аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун қанча маблаг зарур бўлса, сарфляяпти. Бу ғамхўрликка жавобан сувни ҳеч бўлмаса тежаб-тергаб фойдаланишимиз керак эмасми?

Худди шу масала Тошкент вилоятида ҳам қўлланиляпти. Мана яқинда Қйрай туманида жуда катта иншоот ишга туширилди. Қйрай, Тошкент, Заңгиота, Янгиўй туманлари, тарчи Тошкент шаҳри атрофида бўлсам сув муаммоси мавжуд эди. Айни пайтда бу туманлар аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, мамлакатимизда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдалансак, исрофгарчиликка йўл қўймасак ва обихаётни Ўратганинг буюк инояти сифатида эъзозласак, албатта, сув тақчилликларини енгит ўтаимиз.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи») сўхбатлашди.

ЗАРАФШОНДА ЯНГИ АРХИВ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз харитасида Зарафшон шаҳри пайдо бўлганидан беш йил ўтиб, шаҳар давлат архивига асос солинган эди. Қарангки, ушбу идора ўз биноси йўқлиги боис қирқ йил ижарада туриб фаолият кўрсатди. Табиийки, мослаштирилган бинода ҳўжатларни сақлашнинг ўзи бўлмайди.

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси “Узархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат

сиёсатини амалга ошириш, давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш, архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторни янада ривожлантириш каби муҳим вазифалар билан бир қаторда давлат ар-

хивларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, янги бинолар қуришнинг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланди.

Шу асосда “ZARAFSHON GRAND SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан давлат-хусусий шериклик асосида Зарафшон шаҳар давлат архиви биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинонинг қурилиш ишларига 2,7 миллиард сўм маблаг сарфланди.

Бинонинг очилиш маросимида архивларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, юртимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди.

— Архивлар халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди, — дейди Навоий вилояти архив иши худудий бошқармаси бошлиғи Сайёра Бекова. — Шу кунга қадар ушбу давлат архиви Халқ демократик партиясининг балансида бўлган бинода жойлашиб, тўрт нафар ходим йилгига минг-минглаб жисмоний ва юридик шахсларнинг суруви ижросини таъминларди. Замонавий бинода идоранинг архив сақловидagi 175 та фонддаги 20 мингта яқин сақлов бирликлари ҳўжатларни кўз қорачиқидек асраш имкониятлари яратилди. Илгари эса архив ўз биносига эга бўлмагани сабабли 90 минг сақлов бирликлари ҳўжатлар ташкилотлар-

нинг идоровий архивларида сақлов муддатидан ўтган ҳолда сақланиб келинган.

Халқро андозларига мос келадиган, барча қулайликка эга бўлган бино замон талаблари асосида жиҳозланган. Жумладан, мажлислар зали, кутубхона, ҳўжатларга илмий-техникавий ишлов бериш ва фўқароларни қабул қилиш хоналарида замонавий жиҳозлар, интернет тизими ўрнатилган. Келажақда бу ерда ҳўжатлар сақлов хоналарига замонавий мобиль жавонлар ўрнатиш, бошқа қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

